

МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙИҒИШ ВА САРАЛАШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Мусаев М.Н., Зокирова Ш.Қ.

Ҳозирги кунда ер планетасида аҳоли сонининг йилдан йилга ортиб бориши кундалик турмушимизда деярли ҳар куни ва деярли бир хил таркибдаги “қаттиқ маиший чиқинди”ларни кўплаб ажралишига сабаб бўлмоқда. Мазкур чиқиндилар муаммоси дунё миқёсида энг долзарб экологик муаммоларидан бири десак муболаға бўлмайди. Ўзимизда ҳам ушбу **чиқиндилар** хонадон сохиблари томонидан “қаерга”, “нима учун”, “нима мақсадда” ва “зарурми” каби саволлари давлат мутасаддилари томонидан очиқ қолдирилгани учун “ҳозирча” деярли ҳар бир хонадонда аралашган ҳолда тўпланяпти ва тезроқ уларни кўздан бартараф этилишига ҳаракат қилиняпти.

Мутахассисларнинг фикрича қаттиқ маиший чиқиндилар бутун дунёда арзон хомашё ҳисобланади. Ривожланган давлатларда чиқиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкин экан. Айрим мамлакатларда чиқиндиларни алоҳида йиғиш тизими йўлга қўйилган. Натижада қоғоз, пластик ва алюминий каби чиқиндилар кўринишидаги иккиламчи хомашёлар қайта ишлашга юборилади ва улардан керакли маҳсулотлар олинади. Шунинг учун маиший турмушимизда тобора кўпайиб бораётган чиқиндиларни тўғри бошқариш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Экологик муаммоларни ҳал қилишда турли хил морфологик таркибдаги қаттиқ маиший чиқиндиларнинг барчасини қайта ишлашга ёки уларни иккиламчи хом ашё сифатида қайта фойдаланишга йўналтириш орқали улар томонидан атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган экологик салбий оқибатлари олди олинади. Бу эса ҳар бир фуқаронинг ва ёшларнинг вазифаси эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Атроф- муҳитнинг турли чиқиндилар билан ифлосланиб бориши Республикамиз биосферасида экологик вазиятни жиддий тус олишига сабабчи бўлиши ҳаммага аён. Аҳоли ўсиб бормоқда, уй-жойлар сони ошмоқда, уларни таъминлаш учун завод-фабрикалар сони ҳам кўпаймоқда, хом ашёлар кўплаб ишлатилмоқда, маҳсулотлар сони ва тури ҳам ошмоқда. Натижада параллел равишда атроф-муҳит саноат ва маиший чиқиндилар билан тўлиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу чиқиндиларнинг миқдорини

тобора ортиб бораётганини ҳар бир тушунган инсонларни хавотирга солиши табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-2915-сонли Қарорининг чиқиши айнан юқорида тилга олинган бугунги кун муаммоларига ечим беради. Ушбу Фармонларга мувофиқ 2017 йил 23 майдаги 310-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида НИЗОМ” ишлаб чиқилди. Мазкур Низомнинг в-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг қуйидаги функцияларни амалга ошириши белгиланган, бунда: *чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш соҳасида* ги ишлар кўзда тутилган бўлиб, унда *чиқиндиларни йиғиш пунктларини ташкил этиш, уларни ўз вақтида олиб чиқиш, рухсат этилмаган чиқиндихоналарнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, чиқинди полигонларини бошқариш; уларни утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўмиш ва реализация қилишни* белгиланган тартибда назоратга олишни ташкил этиш белгиланган.

Албатта, бу чиқарилган Фармон ва Қарорлар биз учун дастуруамал бўлиши ва бунинг асосида мазкур муаммолар бўйича ўз ишларимизни керакли йўналишда олиб бормоғимиз лозим.

Айтиш жоизки, атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва истеймол чиқиндиларидан муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, корхоналарда экологик тоза ва чиқиндисиз технологияларни амалиётга тадбиқ этиш муаммолари билан узвий боғлиқдир. Кўп асрлар давомида табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш ва ҳосил

бўлаётган чиқиндиларни нотўғри бошқариш орқали табиатда кутилмаган салбий ўзгаришларни вужудга келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун зудлик билан келажак авлодга таълим берувчи барча муассасаларда (мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим масканларида) ўқувчи ва талаба ёшлар учун шаҳарда, маҳаллаларда қишлоқ ҳудудларида ҳосил бўлаётган барча чиқиндиларни тўғри бошқариш бўйича таълимларни тўғри йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Шу ўринда хонадонларда ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қандай йиғиш, саралаш ва керакли жойга йўналтириш ишларини йўлга қўйиш бўйича ўзимизнинг таклиф ва фикрларимизни ҳавола этиш ниятимиздамиз.

Аввало, шуни эслатиб ўтишимиз лозимки, шу йили мухтарам Президентимизнинг вилоятларга ташрифлари доирасида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини қуриш ва уларни ишга тушириш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири, деб алоҳида таъкидладилар. Шу ўринда мазкур чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарининг қурилишига йўл бердилар.

Албатта, ҳар бир корхонанинг фаолият юритиши учун биринчи ўринда хом ашё зарурлигини инобатга олсак, мазкур турдаги “корхона” учун хом ашё – “ахлат”ларни алоҳида синфланган ҳолда йиғиб бериш ва унга етказиб бериш муаммоси туради. Шунинг учун ушбу муаммоларни қуйидагича ҳал этса бўлади деган фикрдамиз:

1. Ҳар бир хонадон ахлига аввало “ахлат”ларни йиғиш бўйича кўрсатма-қўлланмаларни етказиб бериш;

2. Хонадон вакилларининг уйида ажраладиган ”ахлат”ларини йиғиши учун ҳар бир турдаги ахлатлар учун мўлжалланган рангли алоҳида пакет-халталар билан таъминлаб бериш;

3. ”Ахлат”ларни йиғилиш ҳажмига(миқдорига) қараб ҳафтанинг маълум бир белгиланган кунида уларни алоҳида мўлжалланган контейнерларига бўшатиш. Бунда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг турига қараб тайёрланган рангли контейнерларни(пакет-халталарни рангига мослаб) кўп қаватли уй-жой биноларининг ён тарафида жойлаштириш; шахсий уй жой эгалари учун эса маҳаллаларнинг гузаридида “ахлат” қабул қилиш пунктларини ташкил этиш ёки "Махсустрас"га қарашли автомобилларнинг ўзига сараланган чиқиндиларни қабул қилиш мосламаларини

(ячейкаларни ёки катта қопларни) ўрнатиш орқали хонадон вакилларида алоҳида алоҳида йиғилган “ахлат”ларни қабул қилиб олиш;

4. Ушбу “ахлат” йиғиш тартибини хонадон вакилларида “тарбия”сига жорий этишни тезлаштириш ёки рағбатлантириш мақсадида ахлатни топшириш учун хонадон вакилларида олинадиган тўловларга(маълум вақтгача) чегирма белгилаш (ахлатларни сараламасдан аралаштириб топширганларга эса оширилган миқдорда тўловларни белгилаш);

5. Ушбу чегирмалар ва тўловлар ўртасидаги фарқни хонадонлар томонидан саралаб берилган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб кетиб қайта ишлайдиган давлат ёки шахсий корхоналар томонидан қоплаш;

6. Хонадонларда ҳосил бўладиган ва ажраладиган озиқ-овқат кўринишидаги органик чиқиндиларни махсус ажратилган жойда қурилган биогаз олиш иншоотларига топшириш;

7. Дарахт барглари ва шох-шаббалари кўринишидаги чиқиндиларни (асосан куз фаслида) компостирлаш, яъни биоўғит(биогурус) олиш қурилмаларига йўналтириш.

Юқорида келтирилган таклифлар орқали барча турдаги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўғри ва керакли йўналишда қайта ишлаб инсонлар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган ИСРОФнинг олди олинадиган ва бу билан ҳар бир инсон АТРОФ МУҲИТ ҲОЛАТИНИ сақлашга ўз ҳиссасини қўшади. Жамиятимизда бундай хонадонларни ва инсонларни кўпайиб бориши унинг яна ҳам гуллаб яшнашига ҳамда ривожланишига сабабчи бўлади.

Хулоса қилиб айтганда БИЗ таклиф этаётган фикр ва тадбирлар ҳеч кимга қийинчилик туғдирмайди ва уни барча инсонлар ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳам бемалол амалга оширишлари мумкин. Фақат қисман ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракат ва бунинг эвазига ўзимизга ва элимизга БАРАКАТ келади, деган умиддамиз.